


– Кунглинг
кайси
фаслда
ишайпти,
Наргиз?
“От уйнатган
дунёнинг
кайси
томонидасан?”
Биламан,
сен майин,
хеч кимга озор
бермайдиган
овозда:

– Дунёнинг
тўрт
томонидасан,
– дея қисқа
берасан.



Наргиза ОДИНАЕВА

ТЎРТ ТОМОН

Наргиза ОДИНАЕВА

ТҮРТ ТОМОН

Шеърлар

Музааммад!
Боркиши
Сулҳи
Кўнрашчи
монфи-корга
Билал
Ҳисси?

15.11.2018



Тошкент
«Turon zamin ziyo»
2016

*Ушбу китобни
устошим Наргиза Бобоевананинг
нурали хотирасига бағишлайман.*

УЎК: 821.133

КБК 84(5Ў)7

О-29

Одинаева, Наргиза

Тўрт томон [Матн]: шеърлар / Н.Одинаева. – Т.: «Turon zamin ziyo» нашриёти. 2016. – 80 б.

ISBN 978-9943-4588-8-8

Юраги шеърнинг ҳовури билан урадиган одамлар, ҳа-деганда, учрайвермайди бу техника асрида. Бироқ ҳали кўнгли ўша лаззатни истайдиган бир киши бор экан (бу бир киши шоирнинг ўзи ҳам бўлиши мумкин), кўнглини ёзиш бесамар кетмайди. Бу ёзиқлар чинакам шеър-ят мухлисининг қалбига изтироб гавҳарларини тортиқ этиб, уни муборак туйғулар дийдорига чиниқтиради.

Қўлингиздаги “Тўрт томон”да истеъдодли шоп-ра Наргиза Одинаеванинг фақат ўзигагина хос бўлган оҳангда, тасвир-у ташбеҳларда қогоз юзини кўрган шеър-лари жамланди. Ҳукмфармолик Сиздан, азиз ўқувчи!

УЎК: 821.133

КБК 84(5Ў)7

Масъул муҳаррир:
Сирожиддин ИБРОҲИМ

Тақризчи:
Абдуғафур ИСКАНДАР,
филология фанлари номзоди

ISBN 978-9943-4588-8-8

© «Turon zamin ziyo»,
Тошкент, 2016 й.

“ТҮРТ ТОМОН”ГА МАКТУБ

Мен Термизни кўрмаганман, Амударёни ҳам. Уларни кўриш орзуси бот-бот қалбимда тўлқинланади. Баъзи-баъзида шоир Сирожиддин Иброҳим Термиздан қўнғироқ қилиб туради. У билан бўладиган аксарият суҳбатларимиз орасида Амударёни сўрайман ва яна «Дарёнинг нариги томони кўринаптими?!» деб савол бераман. У таажжубланади. Мен эса тинмасдан Амударёга яқинроқ бориб телефонни тўлқинлар овозига тутишни ўтинаман. У айтганимни қилади. Аммо карлигим панд бериб, дарё овозини эшитолмайман. Кейин эса нариги томонда нималарни кўряпсан, дейман. У : “Қўй боқиб юрган болаларни”, – дейди. Ва сўрайди:

- Нариги томондан сизга нима керак ўзи?
- Ҳазрат Навоийнинг қабрлари кўринмасмикан, – дейман ўзгача умидворлик билан. У кулади:
- Эҳ-ҳе, Ҳазратнинг қабрлари жуда олисда...
- Балки, – дейман, – жуда баланд жойга чиқиб, қарасанг, кўринар.

Сирожиддин яна болаларча беғуборлик билан кулади. Ва меҳр билан дейди:

- Термизга келсангиз, кўп жойларни кўрсатаман...
- Мен биламан, Ҳазрат Навоийнинг руҳлари биз томонга ҳамиша талпиниб туради. Буни жоним ичидаги исмсиз аланга билан ҳис қиламан, Наргиз. Ва яна сенга ҳавасим келади, улуғ зотнинг қабрига яқин жойда яшайсан. Ёнгинангда буюк тарихнинг томири – Амударё мажнун бўлиб оқади.

Менга юборган шеърларингни ўқиб, маст бўлдим.
Худди тўрт томоннинг ҳавосини бирдан симириган де-
вонадай маст бўлдим, ҳузурландим. Ва сўрагим келди:

– Кўнглинг қайси фаслда яшайпти, Наргиз?..

– “От ўйнатган дунё”нинг қайси томонидасан?

Биламан, сен майин, ҳеч кимга озор бермайдиган
овозда:

– Дунёнинг тўрт томонидаман, деб жавоб берасан.

Мен эса яна дилимда шеърларинг чизган нақшинкор
истакларни айтавераман: Сенинг “юрагингнинг ажин-
лари кўчган онангнинг қаварган, озғин қўллари”ни кўр-
гим, “тонг ҳавосида хамирдон бошоқни сўриган, бахт
таъмини билган чумчуқлар” билан сирлашгим, “тун
қўйнида қариган нурни” юпатгим келяпти, сингилжон.

Сен кўнглингнинг ичида туриб ёзасан, тўлиб-тошиб
келган ҳисларни одобга ўргатиб ёзасан. Балки, шуни-
си тузукдир. Менга қолса, ўрнашган жойингдан чиқиб,
кўнглингни фалакка, уфққа, телбавор шамолларга то-
моша қилдириб ёзсанг, озод ёзсанг, янада зўр бўларди.

*Биласанми, бу дунёнинг нигоҳида
Йиглаб турган ҳақиқатнинг кўз ёши – шеър.
Қаҳратонда баҳор ишқин авайлаган,
Мағрур турган дарахтларнинг бардоши шеър.*

*Ва юракнинг тубидаги нодир согинч
Бошлаб кетса руҳингни гар тўрт томонга,
Шоир бўлсанг, иккиланмай, қўрқмасдан ҳеч,
Сингилгинам, кўнглингни эк сен осмонга.*

*Мен бахт билан келишолмай адо бўлдим,
Ва ҳисларим қайгуларнинг чечагидай...
Жон ҳовучлаб, саҳарларга талпинаман,
Талпинганим сари тонглар кечагидай...*

Сенинг эса юрагингда кўраяпман,
Шафақ ва нур жилмайиши бўлмиш пайдо.
Согинтирар, мени жуда согинтирар
Дилинг ичра тўлқинланган Амударё.

“Тўрт томон”ни кўргин фақат ишқ кўзида,
Қолганини билгувчидир ўшал Ёлғиз.
Амударё юрагини олиб келгин,
Биз тарафга йўлинг тушса агар, Нарғиз...

Ҳалима АҲМЕДОВА

ВАТАН СИЙРАТИ

“Синглимнинг ўсмаси оқмасин”,
Юзига термулиб тураман.
“Акамга кўзим тик боқмасин”,
Юрагим эгилиб тураман.

Болалик – югурган шамоллар,
Йўлини қоялар тўсмайди.
Кафтида энг гўзал аъмоллар,
Жонида тиконлар ўсмайди.

Энг гўзал изларни чизади
Тупроққа судралган этаклар.
Руҳида жаннатлар кезади,
Иситиб қўяди эртаклар.

Бобомнинг юзида кун тиғи
Қолдирган йўлларни сўнг билдим.
Момомнинг заранг, тол урчуғи
Айланган изларга қоқилдим.

Айланди урчуқдек чархпалак,
Чўмичи неча бор қуйилди.
Кафтида улғайдим, эй фалак,
Момом ҳам ватандек туюлди,
Бобом ҳам ватандек туюлди.

Тупроқнинг исиди не сирлар,
Қўшиқ айт, кўнглимнинг париси.
Соғинч ҳам, муҳаббат, меҳрлар...
Қўшилиб кетгандай бариси.

Онам сут пишириб ҳар саҳар,
Зухрони энг аввал кўради.
Отамнинг елкаси бир шаҳар,
Биз қурган орзулар туради.

Бугун менинг шоирлигим чин,
Ой нурлар элайди устимдан.
Дунёнинг тўнини кенг бичинг,
Мен бериб тураман кўстимдан.

Болалик, шамолдек йўқ тинчим,
Дийдор айт синглимдан, дўстимдан.
Уйғотиб юборди соғинчим,
Учди кўк каптарлар кўксимдан.

Отам, иним, кўз, қошим – Ватан,
Ҳавом, ерим, қуёшим – Ватан!
Бир умрни сўнгсиз гуллайман,
Охирларим ва бошим Ватан!

Мен соғинч ҳақида қўшиқлар айтдим,
Баҳорлар айланди теграмда такрор.
Ўзимдан кетдим, гоҳ ўзимга қайтдим,
Кузларга туташдим, кўнглим, ёмғирзор.

Сен бўлиб кўрингай ҳануз тушимда
Бир оппоқ капалак, қанотлари ҳўл.
Дийдор берармикан битта умримда
Сенинг билан менинг ўртамдаги йўл.

Чорладим, чорладим, қайтмади қушлар,
Замин англамади, билмади осмон.
Исмингни чақирсам, йиғлади тошлар,
Қўшиққа айланди бугун тўрт томон.

Чизиқлар чизади юрак муттасил,
Сенинг чеҳранг кулса ойнанинг юзида.
Мен топиб бораман бешинчи фасл,
Унинг ташрифи бор кузнинг изида...

Қушларнинг бир куни қайтиши тайин,
Мен тупроқ бўламан, кўнади осмон.
Ва сўнг бу азобдан мурод топайин,
Эртақлар айтиб бер ўзинг, Ироджон.

Энди қай фурсатни тавалло этсам,
Яна телба бўлиб жоним гуллади.
Қанийди, баридан бўшалиб кетсам,
Нега менинг танзим шамол бўлмади?!

Шу эски чархпалак, бошда ёмғир, қор,
Яшаб ўтаяпмиз одам тарзида.
Қорачиқда тойган мингта тақдир бор
Осмон ва заминнинг чегарасида.

Мудом тутқин этар тортишиш кучи,
Ким билсин жондаги тугунларингни.
Қуёш айвонида турган, эй йўлчи,
Худо обод этсин бугунларингни.

Баҳорлар гуллайди, сўнг кузлар кирар,
Ой бадр – юракнинг устидан юриб.
Умримни бир таниш соғинч чақирар,
Ҳали туғилмаган тонглардан туриб.

Қилган орзуларинг тушларингдай ўнг,
Бунда чангиётган менинг йилларим.
Сенинг эртақларинг тугагандан сўнг,
Бошланади менинг узун йўлларим.

Тўлқинлаб ўйнайди шамоллар – бебош,
Нафаси энтикиб қўяр дарчанинг.
Бошини куйдириб ўтади қуёш
Ислари эскириб кетган арчанинг.

Туш кўрган тоғларнинг кўйлаги фижим,
Замин чайқалади – қўлнинг ояси.
Йўллар этагидан узоқлашар жим
Одамга ўхшаган дарахт сояси.

Бахт таъмини билар, тонг ҳавосида
Хамирдон бошоқни сўриган чумчуқ.
Ёшини беркитиб кун орқасида,
Умримнинг лабига тошади учуқ.

Яшашга куч қидир... йиғлашга улгур..
Майда ташвишларим ёпишди қўлга.
Бугун бекатидан кетиб қолмай тур,
Бироз кечикиброқ чиққанман йўлга.

ЭЪТИҚОД

Тупроқ бўлиб яшашни ўрган,
Қўшилиб ол тўрт фасл билан.
Оқ тонглардан Хизр туш кўрган
Ватан деган бир туйғу тилан.

Шу дарахтлар тафтинг олади,
Юраги бор ҳар тўрт томоннинг.
Гар қоқилсанг, суяб қолади,
Елкалари зангор осмоннинг.

Шу заминда тоғлар виқорли,
Шу заминда шамол майиндир.
Шу заминда шомлар ифорли,
Шукрларинг умр сайиндир.

Қўл ташлаган қуёш елкамга,
Кўзларимдан меҳр унади.
Ватан десам, шу бир каломга
Хўрликларнинг бари кўнади.

Эй ватандош, иниб гулларга,
Эгачингга ўхшаб қўяман.
Ўғил-қизинг юрган йўлларга
Бор жонимни тўшаб қўяман.

Ой тунларни ёритар атай,
Йўл бошига сўзсиздек борма.
Қулоғига исмингни айтмай,
Кунларингни қўйиб юборма.

Айланади кўҳна чархпалак,
Бу умрнинг ёмғирлари бор.
Бошқасининг саждаси бўлак,
Ўзинг томон ўзингни юбор.

Ховучимга оламан жойлаб,
Бир қаричмас дунёнинг эни.
Ҳад билмаган кенгликлар бўйлаб
Ҳар тонг Ватан уйғотар мени.

ШОИР

Бугдой бўлиб кўкарайми, райҳон бўлиб гуллайми,
Дилни ёмғир аллалаган баҳор қайта келгайми.
Юрагимнинг тўлғоғини учган турна билгайми,
Бу баҳорнинг чин отини айтиб беринг, шоир-ей.

Айвондаги мусичанинг кўзларида жимлик бор,
Ерни босган ҳар одамнинг қисматида “ким”лик бор.
Қуёш чиққан, тўрт томонда яҳудий бор, римлик бор,
Ватан деган дард тотини айтиб беринг, шоир-ей.

Куз йўлини бошлаганда шафтолининг баргидан,
Мен тўзимлар тилагайман дарахтларга Тангридан.
Асл қўшиқ бошланади борлиқнинг қай рангидан,
Кўнгил адабиётини айтиб беринг, шоир-ей.

Сафари йўл шамолнинг, тош ўрнидан жилмайди,
Дор ўйнаган мардум ҳали мардлигини билмайди.
Шеър дунёга сиғмай борар, кўнглим шеърга сиғмайди,
Туйғуларнинг меҳробини айтиб беринг, шоир-ей.

Умр-умр бўлгай ҳануз ой-йилларга ўрашиб,
Осмонларга тикиламан қизғалдоқдек тебраниб.
У тобора кўринади капалакка айланиб,
Бу эртакнинг муродини айтиб беринг, шоир-ей.

Дарахтлар қоровул қишнинг йўлида,
Армонли қўшиқдай эланади қор.
Онамнинг қабарган озғин қўлида
Менинг юрагимнинг ажинлари бор.

Осмоннинг ортида тупроқ ҳовури,
Оқсоқол кунларни тунга чорийди.
Қаршимда туғилган йўқлик шивири
Қаҳратон ҳавога жонни қорийди.

Ўртанган баҳор бор умр бўйнида,
Ўлчовли саноқда айланади Ер.
Онам қаримасин қишнинг қўйнида,
Художон, ялдонинг тонгларини бер!

Сўнгсиз соғинчларга кўмилиб қолдим,
Январ, кунларингни зиёрат эта.
Ўзимни тортишга эриниб қолдим,
Нега бунча эрта, бунчалар эрта?

“Сим-сим эшиги”дек “муродим” чаман,
Пойига тўкилсам, кунлар кибриё.
Жон тўзғат... барига чидаб бераман,
Бир кўнглимга оёқ ботирма, дунё.

ОҚ ТУШЛАР

Устозим
Наргиза Бобоевага

Қоронғу кечада оқ тушлар кўрган
Сулувнинг сочида адашган шамол.
Қўл бергин, кетамиз оҳулар юрган
Тоғларнинг бағрида топгани камол.

Тўлишиб боради нимадан доғинг,
Осмоннинг кўксига тебранган бешик.
Менинг юрагимни кечсин оёғинг,
Еттинчи қаватга очамиз эшик.

Уфққа термулиб соғиндим кимни,
Кўзимни тўлдириб расмини чизсак.
Биласанми сен ҳам эртақларимни,
Бошимда айланган безовта кузак.

Бир кечада тўлиб ёрилар анор,
Ширин оғриқларми тақдирга атонг!
Дунё қирғоғидан бугун бошланар,
Юзимни силайди юлдуз ўпган тонг.

Тўкилган ёмғирдек аразларим бор,
Муродим, адашиб қайларга кетдинг?
Тўймаган дунё-ей, кўнглимни сипқор,
Умримни кузларга бир қўшиқ этдинг.

Жим туриб заминга куй элаяпти
Япроқлари маҳзун сарғайган дарахт.
Изларингни бекит, қиш келаяпти,
Менинг остонамни танимаган бахт.

Қайтариб бўлмайди оғиздагини,
Мен ширин деб айтган сувлар шўр эди.
Бир жунун ўзини қайдан топади,
Суяк ичидаги илик қуриди.

Умр қаерларда беради нишон,
Кимни соғинамиз уфққа қараб биз.
Кетиб бораяпмиз бўшлиқлар томон
Ёнган гугуртчўпдай тугаб-тугаб биз.

Момом дуо қилди какликдек сайраб,
Қолган айтимики шамолга илди.
Тўрт фасли куз бўлган боғларга қараб,
Менинг ҳам елкамдан тутлар тўкилди.

Тарози ўлчайди нима билан у,
Кўринмай савдолар кўринмас бозор.
Қўллари қорайиб кетган бойлару
Яна тиши бутун тиланчилар бор.

Нега ҳамма таъмга қоришади туз,
Нега ўйин тусмол, рақам алдамчи?
Келолмадим битта қарорга ҳануз,
Баҳор деёлмайман баҳорнинг ичи.

Гарчи олисларда қолди болалик,
Гарчи кўзларимга боқмади дунё.
Гарчи кўксимдаги ғуссам минг йиллик,
Мудом мусичаман, гўдакман аммо.

Шу кўҳна борлиқнинг шом тарафидан
Турна келаяпти арғимчоқ торта.
Жим ўта олмасдинг фирром устидан,
Дунёни бир ҳалол қил, Ота!

ТАНИШ АЗОБ

Битта кўйлагимни уч йил кияман,
Қилган ибодатим минг йил бир ишққа.
Бир таниш азобни минг йил суяман,
Аммо йиғиларим ҳар куни бошқа.

Кўзимга ботгани эскирган савдо,
Туш кўриб бўлганман, эмас тасодиф.
Қўлимда ўйнайман дунёни, аммо
Чалкаш бир чизиқда куйиб борар кифт.

..Она соғинчидан шошиб чой дамлар —
Тонгги ҳисларингдан бир пиёла бер!
Тун бўйи мудраган, ҳиссиз одамлар
Менинг юрагимга нон ботириб ер...

* * *

Мусаввирнинг кўзида йиғлаган ранг бўлайми?!
Ҳилолнинг юзидаги ўйнаган жанг бўлайми?
Юрагини саратон ёрган харсанг бўлайми?
Дунё, соқов бағрингда битмас яранг бўлайми?

Дарё оқиб ўтмоқда товонида тош судраб,
Йўллар ҳориб келмоқда елкасида бош судраб.
Қимирлолмай турибман, шамолларда жон идраб –
Дунё, сўзга сифмаган кую ноланг бўлайми?

Олтинини кўрган қўл бозорини алдайди,
Эътиқоди яримта мазорини алдайди.
Ёнишни билмаган ул озорини алдайди,
Дунё, қошим оралаб ёзган чоранг бўлайми?

Мен қанотсиз учаман, номсиз йўлнинг отиман,
Кечаларнинг рангиман, ёмғирларнинг бодиман.
“Оч экану тўқ экан” – шу эртакнинг мардиман,
Дунё, мурад бермаган етим боланг бўлайми?

АЛПОМИШНИНГ БОЛАЛАРИ ЎСГАН ЮРТ

Бобом айтган дostonлардай тўлиб келдим,
Бойсунчинор шохларига рўмол илдим.
Алпомишнинг болалари ўсган юрт – бу,
Дўмбиранинг ўркачидан қараб билдим.

Тунларига ой эргашар бахт бергани,
Қалдирғочлар эшик қоқар исингани.
Қуёш кулиб мўралайди Боботоғдан,
Бунда бир эл қуёшлар бор соғингани.

Одамзоднинг туғилиши бир тўй, момо,
Осмон гумбаз, замин асли бир уй, момо.
Айтсам, шеърим жўр бўлади чанқовузга
Тўлқинида юрак оққан қай куй, момо.

Адоғи йўқ соғинчларга бўлдим сингил,
Яшил қушман, яшил уфқлар томон кўнгил.
Чанқаб турсам, Амударё чайқалади,
Нур узатар Термизийдек уйғоқ бир дил.

Томирлари томиримга туташ диёр,
Мен шеър айтай, осмон бўйи гуллаб юбор.
Ўнг елкамда ўтирибди Алпомишлар,
Юрагимда кишнаётган Бойчибор бор!

Қулочингни шамолларга озод қўйгил,
Бедор ўтсин шоир зоти – шеърга тўлгил.
Қуёш билан сўзлашиб юр ва то абад
Алпомишнинг авлодига Ватан бўлгил.

Йўлларда кечади бeсиёҳ умрим,
Айланиб қолади ёлғонлар чинга.
Йиллардан йилларга ўтади қўрим,
Ким бўлиб бораман сенинг қошингга?

Мен турган замоннинг боши қаёқда?
Осмоннинг белидан ўтар кўприклар.
Бобом чой хўплаган юз йиллик боғда
Кузда ҳам ловуллаб гуллар ўриклар.

Бир сават олмадек юрак сочилди,
Қаршимда турибди таваккул дунё.
Ранглар атрофимга рўдапо илди,
У айтган ўйинни бошла, сўфиё.

* * *

Кўрпасиман юлдузларнинг,
Мени дунё кечаяпти.
Тун адашган йўлда ҳорғин,
Ой жонимни ичаяпти.

Кўкка боққан боғлар бўйлаб
Чизилганда кузнинг расми.
Тўлолмаган рангни ўйлаб,
Ой заминга тўкилмасми!?

Тоғ томонга кетган шамол
Айланади булутларга.
Менинг умрим ипак рўмол
Осилгани қандай дорга.

Бошимдаги ҳар кун тўйдаи
Сочимгача оҳанг, ёниш.
Ўлмайсанми олов куйдан,
Уйғонмаган, эй Алпомиш.

Умр шундай телба қўшиқ,
Замин ҳар кун тораяди.
Англаганим – икки эшик,
Суякларим қораяди.

ТУН

Этакда бир ўзи турибди, ана,
Нурсиз милтираган кимнинг чироғи.
Мени ҳаяжонга солади яна
Шамолнинг қўшиғи, терак титроғи.

Замин жим ухлайди, тушига кирган
Оқ отли шаҳзода қайтар изига.
Кўйлаги идраган юрагим билан
Ким бўлиб кўринсам унинг кўзига.

Қайда ўтирибди тоғ ошган олам,
Бунда қолган фақат садо бергани:
Бойқуш – карвонидан адашган одам,
Чигиртка – кечанинг чақалоқлари.

ЙИГИРМА ВА ЎТТИЗИМНИНГ ОРАСИДА

Қўшиғига тўлдиролмай бир фалакни,
Қиём ўтди, кун кўксимга оғаётир.
Юрагимдан бошлаб бердим камалакни,
Дил шаҳрига ёмғирлари ёғаётир.

Сўзга сизмас Ўзи билган тавбаларим,
Исмин айтсам – файзи кетгай, файзи кетгай.
Қош қорайса, имлайверар қиблаларим,
Ишқлар менсиз гуноҳ этгай, гуноҳ этгай.

Юким ортди, этагимга юлдуз териб,
Юпун жоннинг савдосига хато келдим.
От ўйнатган дунёсига салом бериб,
Қиш тўкилдим, ёз тўкилдим, куз тўкилдим...

Шабнам борар тонг юзида булоқ бўлиб,
Харитага айланади карвон йўли.
Дил эланди кўпкарида улоқ бўлиб,
Чап елкамга ботиб кетган кимнинг қўли?!

Тушлар, сизга кечагидек йиғлолмайман,
Кўзларимга қараб беринг, тинчликмикан?
Соқов айтган нолаларсиз яшолмайман,
Ичимдаги аразкашим тирикмикан?

Энг сўнгида тўкилади жон оҳори,
Даври-даврон, чўмичингда борманми, айт.
Товонимдан чўкаяпман жимлик сари,
Тупроқларим айтган садо, мен бўлиб қайт.

Йўл тополмай оёғимга йўл суринар,
Жим турибман қиёматнинг қорасида.
Қай томонга борай десам, ўт кўринар
Йигирма ва ўттизимнинг орасида.

Мен англаган саховатни билмас олам,
Минг ўхшайман озиб-тўлган ойларига.
Қисматига кўнмай юрган соқов одам,
Тош отиб тур юрагимнинг сойларига.

* * *

Барибир, нимадир кам, барибир, надир кам,
Тўкис бўлолмайдим аввал, на охир.
Кўзларимни юмиб, уфққа тикилсам,
Бунда ҳеч нарса йўқ ҳаводан оғир.

Шомнинг сукутида кафтларим зада,
Жоним келаяпти кўзимга тўлиб.
Ҳаммаси ўзгарди, энди оловда
Кўнглим ўйнаяпти капалак бўлиб.

Қаерда тўхтайдим ёлғоннинг забти,
Оғримай яшашга яна нима шарт?
Ҳозир тўлаётган ойда юрибди
Ернинг юрагидан оёқлаган дард.

Бугун кўчаларга қараб ўйлайман,
Қачон баҳор эди, қачон куз эди?
Дунё айбламасин, эртак билмайман,
Мурод – лабингдаги битта сўз эди.

Борлиқ ўсаверсин бўйи-энига,
Оқ-қора кунларга, мана, кўксим – ринг.
Фақат... бўйларингни соғинсам, нега
Чўкиб борар сенинг ҳар баҳор қабринг?

Опамиз оламдан ўтди,
ҳали ўттизга ҳам кирмаган эди...

Эй, кўнглимнинг ярим томони,
Остонада яна баҳорлар.
Танидингми кимнинг армони
Ўйнаётган бу ўрик қорлар.

Йўлнинг боши қайга юради,
Тўладими энди бу бўшлиқ?
Эшигингга ўзин уради
Юрагимга сиғмаган қўшиқ.

Биз бой бердик яна бир кимни,
Соғинчларим осмонни сирлар.
Оқизади телба умримни
Бошгинангга ёққан ёмғирлар.

Тополмадим бир сўз отини,
Менинг бари оҳларим сукут.
Кафтга олиб опанг ёдини,
Айтолганим “Дуои Қунут”.

Қодир Ўзи, энди бир Худо
Малҳам этсин куйган бағрингга.
Кун ва туннинг оралиғида
Жим йиғлайман оғриқларингга.

Эгачингнинг киприкларидай
Илк майсалар унган қабрда.
Тун қўйнида қариган нурдай
Кўринади дунё бир бурда.

Ҳар кун такрор айланар қуёш,
Кифтларингдай толиб кетдим мен.
Қўзинг тўккан улкан-улкан ёш,
Ўша ерда қолиб кетдим мен.

Осон келиб кетмади бу қиш,
Не юкларни қўшди кўнгилга.
Эшитма сен, дийдор йўқ эмиш
Қиёматда опа-сингилга.

Дўст, ўзингни сен менга бергин,
Мен ўзимни сенга бераман.
Соғинчингни опичлаб юргум,
Сўнг опангга олиб бораман.

ЭНГ УЗУН ШЕЪР

Бир кил йўлдан қайтади қушлар,
Бахт беланган яримта ойга.
Бир челақ сув, ўйин – юмушлар,
Қўшиқ айтиб бораман сойга...

Хушламасдим шамолни озроқ,
Қор-дўлини билмай оламнинг.
Фараандийдинг қорамағизроқ
Қуёшга энг яқин одамнинг.

Бир қўшиқни билардик сен, мен
Сўзларини англамай айтган.
Кўнглим эди бу дунёдан кенг,
Энг узун шеър соғинч бўларкан.

Сойда қамиш кемалар сузди,
Сўнг тезлашди йиллар тўлқини.
Осмондаги ойни ким узди
Энг узун шеър ўқилган куни...

Тополмадим яқин фалакни,
Ғам-қувончни ҳаётга йўйдим.
Алдаб-сулдаб мурғак юракни,
Сой бўйига ҳеч бормаи қўйдим.

Сойга «тилла» тангаси тушган
Болакайдек кўнглимда араз.
Тонг, шомлари сўзсиз урушган
Бу кунларга ўргандим оз-оз...

Энди уйғоқ тушлар кўряпман,
Бошқа ўйин сен тарафларда.
Чўғ оралаб чошиб боряпман
«Оқ теракми, кўк терак...»ларда.

Уфқ ёқалаб ястанган дала,
Шу гуллаган ҳавога тўйдим.
Қўшиқ айтсам, ўйнаган бола,
Сен ҳақингда шеър ёзмай қўйдим.

Юрагимга таниш туйғулар,
Олтин бешик, оқ ой топиб бер.
Одам халқи... англаса улар,
Ҳамон ўша подачи қиз дер.

Ёмғирларга тўймадим сира,
Сендек бахтли бўлмоқчи эдим.
Қўлларимда ёнган доира,
Энди сенга ўхшамай қўйдим.

Бир жонимга тушган савдонинг
Ҳисобига бормай турибман.
Қуйиб кетдим, яна дунёнинг
Ўтларини хаслаб юрибман.

Лаҳзаларга бўлмай минг талош,
Ҳа, ердаги ёриқ тўлмайди.
Ҳаммага тенг нур сочар қуёш,
Лек шунчаки яшаб бўлмайди.

Қўл узатдим ҳолим чоқламай,
Балоларга қўйдим жонимни.
Йўлга боқдим «мени» оқламай,
Хурсанд этдим «чўпон хоним»ни.

Бозорига чорлар тўрт томон,
Қирдан қочиб тоғларга келдим.
Ерда кезиб юрган оломон...
Мен улардан тепароқ эдим.

Ҳадсиз туйғу ҳадсиз ошиқди,
Кенгликнинг энг тубига бордим.
Сен ўргатган барча қўшиқни
Юрагимга тўкиб юбордим.

Шу зайилда бошланди армон,
Ҳаловатим шамолга кўчди.
Қўлларимга сифмади осмон,
Кўнглим осмон томонга кўчди.

Болалиғу қамишдан кема,
Сойларини кафтга тутганман.
Кўзинг тўла жимликсан, дема!
Ёмғирларда қолиб кетганман.

Энди дунё жимликка тўла,
Бу жимликка изсиз кетган ким?
Қўшиқ айтсам, ўйнаган бола,
Наҳот, сени соғинмай қўйдим?..

ТЎРТ ТОМОН

Мен айтиб бераман кўзингга қараб
Нималар йўқлигин кафтинг ичида.
Кунларни ёндирган соғинч оралаб,
Умримни ўлчадим бахт қаричида.

На менга, на сенга эшдир бу дунё,
Жонимни самандар ўтларга солдим.
Дунёга тўзимлар берсин Худоё,
Энг катта телбага айланиб қолдим.

Энди бир лаҳзамда тўртта фасл бор,
Энди елкамдадир еттита осмон.
Энди қўшиғимга бор оҳанглар тор,
Энди кўзларимда гулласин армон.

Борлиқнинг кулгуси етмиш хил рангда,
Дилдаги ҳаловат қушлардай дайди.
Ҳеч ким ютолмайди туйғусиз жангда
Гарчи гуноҳ пайти, гарчи ранж пайти.

Жисмдан соялар тушмаган ерман,
Тўрт томон ҳам бир хил – айтилган йўлдир.
Фақат сукунатдан туғилган шеърман,
Руҳим, вужудимга ўзимни тўлдир.

Баҳор, остонангга “кузсан” деб ёздим,
Тақдир – бу сўнгига етмаган фармон.
Гарчи бор жанглардан ақлдан оздим,
Ўзимга айлансин ТЎРТ ТОМОН.

БОБОДЕҲҚОНИМ

Сенга боқар тунлар безаб ой тўрт ёқни,
Ўркач-ўркач турган қирлар, отажон.
Рўз бўлади гуллаб-гуллаб тупроқни
Манглайингдан оққан терлар, отажон.

Ўфил-қизинг мурод кутган эртакдай,
Тинолмайсан, кўҳна кетмон елкангда.
Даланг чорлар меҳри илҳақ юракдай,
Кўрилмаган тушлар қолар кўрпангда.

Кунларингга сингиб оққан, онангинг,
Ариқдаги сувлар елкадоши-да.
Бўйларига ўхшаб кетса отангинг,
Неларни ўйлайсан хирмон бошида?

Асли бир кафтинг ҳам осмондан кенгроқ,
Қуёшни опичлаб, ерда юрган жон.
Ечолмайди сендан олдин кўйлагин
Юзларингда изи қолган саратон.

Дунёнинг бўйига кўкламлар илган
Қалдирғоч ин қурсин айвонларингга.
Тиловати уфқдан шом кечиб келган
Йўлман, кесак ботган товонларингга.

Нони бутун элдан дуолар олиб,
Тотингани она сутдай ҳалолсан.
Даштда фаслларга беланчак солиб,
Заҳматидан бахт яратган кулолсан.

Номингга нима бор дунёда арзир,
Сочган меҳринг қолар ернинг ёдида.
Тупроқни оралаб юрган эй Хизр,
Юзинг ёруғ бўлсин кузлар олдида.

* * *

Сенинг йўлларингга интизор боққан,
 Кўзимдаги нурлар қариди, қара.
 Юрагимдан осмон томонга оққан,
 Ҳисларимда икки жаҳон оввора.

Соғинч қадаҳларсиз тутқазади май,
 Қайга етаклайди бесар шамоллар.
 Онам илҳақ – қўли бир ишга бормай,
 Сочимни тўзғитиб эсар шамоллар.

Остонамдан кузак келади кириб,
 Қишнинг сирларини сотади Мезон.
 Унга жом тутаман ўзни тўлдириб –
 Менда севги арзон, менда ишқ арзон.

Сўнг кетиб бораман туннинг йўлида,
 Онамнинг кўзида отади тонглар.
 Мусаввир ҳаётнинг озгин қўлида
 Гоҳо аралашиб кетади ранглар.

Қийматин ажратиб буғдой, сомонга,
 Терлаб югуради дунё – тегирмон.
 Вақтнинг элагидан ўтиб осмонга,
 Ўрлаб бораверар ердаги хирмон.

Бунда ҳамма бахтга бирдай даъвогар,
 Йўлга отланганлар бир-бирдан қолмай.
 Қуёш манглайига кафт қўйиб боқар,
 Кимдир ўтирибди сигир соғолмай.

Оллоҳга ёлворган кунларим қатор,
 Ердан туриб кўкка ўқийди азон.
 Қандай баҳолайсан савдомни, аттор:
 Менда севги арзон, менда ишқ арзон...



Бунча шошиб кетмоқда қуёш,
Замин узра турибман қотиб.
Олам кўрди, билмам, неча ёш,
Юрагимга ойлари ботиб.

Қутблардан қайтаяпти бўш,
Аттанги бор узалган қўлнинг.
Кўзларимда йиғилган ташвиш
Оёғидан тортади йўлнинг.

Бу боғларга тўрт фасл ҳоким,
Шам эрийди бошидан жим, жим.
Ҳақсиз, гарчи ота-онам ким?
Ярашмади ҳеч кийган тўним.

Фақат осмон юлдузга тўла,
Ерда фақат битта соғинч бор.
Жон – чўзилган бир ипак тола,
Кўраётган рангларим – губор!

* * *

Нега кийган рангини
Билмаяпти хазонлар?!
Кечиб ҳаёт жангини
Гуллаяпти хазонлар.

Берганини мард берсин,
Хасисларни хуш кўрманг.
Худо шундай дард берсин,
Мендан бошқа туш кўрманг.

Пойингизга мен бўлиб,
Ёғиб борар ёмғирлар.
Кўнгил бўлди тўкилиб,
Эртак қандай охирлар?!

Қуёш битта – йўл сари,
Оғригим мўл, эмим оз.
Совимасин кўпқари,
“Ҳайт”ингни айт, чавандоз!

Шамол топмай йиғлайди,
“Нима” – “Қим”нинг чораси.
Қўлларимга сиғмайди
Тонг ва шомнинг ораси...

ҲАСРАТ

Сирожиддин ИБРОҲИМҒА

Одамзод қон суриб қилган айбмиё?
Қувлаган сайёдми, қочган сайдми ё?
Қуёшдек юракни қандай сиғдирсин
Менинг бир кафтимча чиқмаган дунё.

Жонимга дилдайсиз, укамсиз гоҳи,
Кўнглимни суййсиз, акамсиз гоҳи.
Менинг кулгум учун ёғар ёмғирлар,
Сизнинг кўзингизда шеърнинг даргоҳи.

Тебранар, ларзонлар биз қўйган излар,
Ернинг томирига туташ илдизлар.
Ўрикнинг шохидек гуллайди осмон,
Бир қўшиқ тинглайди ҳали юлдузлар.

Фаслни билмаган боғдаймиз, укам,
Оловранг кузга ҳам сиғмаймиз, укам.
Сарҳади топилмай қолар баҳорнинг,
Ҳали бир гуллаймиз, гуллаймиз, укам.

Ўхшайди қисматда бир хато борга,
Одамлар тирикни тутар тобарга.
Ичига кирмаймиз биз бу дунёнинг,
Кўнгилни экамиз сўнгсиз ҳоворга.

Мен ҳаёт сўнгини англаган дайди,
Шамоллар танимни қайга ҳайдайди.
Кўйлаги чиройли одамга ўхшаб,
Бу йиллар- умримни гўзал алдайди.

Оёғи куюкман, зўр бечораман –
Ўт, на сув бўлолмай икки ораман.
Ўзим бибимушкул қилиб дунёга,
Худонинг уйини топиб бораман.

Аmmo тақдиримдек азоб йўллар танг,
Тонгларни уйғотиб, шоирим, ҳорманг.
Кулиб ўтаверай чўғлар устидан,
Сиз эса қўлимни қўйиб юборманг.

Йўллар қичқиради шом қучоғида,
Молини ёяди кеча – савдогар.
Қартайган тоғларнинг олис ёғида
Қўшиғини бошлайди уйсиз, дарбадар.

Тун оёқ қоқмайди.
Ўзидан чўчиб,
Уйғонган осмонга тикилади сой.
Кўзимда чайқалган дарёни кечиб,
Олтин бешигини ахтаради ой.

Ким тиккан кашта бу рангларни сириб,
Нимани фарқлайди қизил, қора, оқ?
Келиб-кетаргача масофа юриб,
Мен ҳам тиланганим бир ҳовуч тупроқ.

Заминни куйдирса, юлдуз тўкилиб,
Биламан, сукутда тилни сўз тилар.
Жонимни бўйнига қўнғироқ қилиб,
Қайга кетаяпти бу карвон йиллар.

Соғинчдай бир баҳор юракда қишлар,
Дунёнинг кузлари билмайди нега?
Менга ўхшайдими сен кўрган тушлар,
Умрим ўхшаб кетди жуда ҳам сенга.

* * *

Етимча, етти кулча,
Эй, юраги тугунча,
Кўзим толиб кетмасми,
Сен баҳорга етгунча.

Ичсанг, ўгай онангинг
Ошларида заҳар бор.
Сен тикилган осмоннинг
Қаерида саҳар бор?

Кўзимга тўлган дунё,
Кўр, бир томчи ёш бўлди.
Энди қандай яшайман –
Қирқ бир жоним тош бўлди.

Менинг ҳасратларимдан
Боши айланмасин ер.
Кенглик тилайин кимдан,
Ўзинг дунё бўлиб бер,
Ўзинг дунё бўлиб бер!

Етимча, етти кулча...

Узрини у айтди, мен айтдим на-да,
Йўл қайтиб келади яна қачондир.
Имтиҳон бошланди Куйгандарада,
Менинг юрагимни оловга қондир!

Тупроқ гапирмайди, ҳаво – муаллақ,
Сувлар сув бўлди ва тошлар тош бўлди.
Ернинг атрофида кўзларим ҳалак,
Оқ-у қора ичра ранг талош бўлди.

Кенгликда кенгликка айланган чўпон
Ҳар тонг қуёш билан белини боғлар.
Бор нарсани борга менгзамоқ осон,
Мени ўйлатади ойдаги доғлар.

Туйдим, йиғи ўтди жонимдан нари,
Бу маҳзун қўшиқда ажалсиз жанг бор.
Қоришиб кетади сўнгида бари,
Алдамчи дунёда битта оҳанг бор.

Ёрилтош, ёрилгин, ичингда бир қиз
Мудом ўтирибди рўмолча тўқиб.
Осмон, этагингдан қоқиб бер юлдуз,
Келяпман кўнглимни мактубдай ўқиб.

Гарчи бор даҳлимни ўзимдан топдим,
Нима белгилайди сўзимнинг кучи?
Кафтимни кўзимдан тушуриб боқдим,
Барибир, кўринмади туманнинг ичи.

* * *

Учқунлаб туташган ўт борасида
Юрагим қизиган бир тандирга тенг.
Онам қўли билан уй орасида
Оёқяланг чопиб нон ташийман мен.

Бошимдан қийқириб турналар ўтар,
Пешонам ярқираб, йўлдай ошланди.
Аммо “аммо”ларни буткул унутар,
Умрнинг исёни қачон бошланди?

Туташган ўтларни ўйин кўрибман,
Она, сув урасан тандир, нонингга.
Ёнгинанда мен ҳам ёниб турибман,
Раҳминг келмайдими менинг жонимга?!

Чўчимаيمان "яшил", "қизил"дан,
Қимлигимни "ранг"лар айтади.
Сени топпай олис манзилдан
Намозшомда йўллар қайтади..

Келар изнинг кетар эшиги,
Бу йўқликлар жонимга тузоқ.
Жимликларим кўкка билдирги,
Энди тўхтаб тураман узоқ.

Тўкилади софинчининг ранги,
Уни ҳали битта мен туйган.
Эртак дема учар гиламни,
Йўл юришдан оёғим куйган.

Етиб келди ёмғирлар яна,
Қўшиғига қандай чидайман.
Тўрт томонда ўт ёнар, ана,
Сен қайсиси, нега билмайман?..

ҚИШЛОҒИМ

Хизр кўрган элнинг қариси
 Сўзларидан томиб турар бол.
 Ака-ука – одам бариси
 Ва онамга ўхшаган аёл.
 Соч попукли, қийиқ кўз қизлар
 «Хола-хола» ўйнаймиз қирда.
 Тоғолчанинг гулидай излар
 Қолдирамиз қанд, ушоқ бирда.
 Кундуз уфққа туташган палла
 Шамол билан тупроқ элаймиз.
 Айтамиз энг чиройли алла –
 Бешикларга орзу белеймиз.
 Кунларимиз қуёшга шерик,
 Нурлар шохга янги ранг илсин.
 Сув бетида қалқиган ўрик,
 Укамга деб этагим тўлсин.
 ...Бозорчилар яёв, уловда
 Қайтишади қўллари тўлиб.
 «Кун ботяпти, кеч бўлди, ота»,
 Йўл қарайман хўрозқанд бўлиб.
 Сусамбилга ўхшаган қишлоқ,
 Кафтларингда улғайдим, ўсдим.
 Сувлар оқди, турнаси оппоқ
 Тушларимдан адашиб кетдим.
 «Тиш қайрайди ўгай онаси,
 Кўк сигирни отаси сўйди...»
 Ундан кўра ухлаган яхши,
 Кўнглим эртак эшитмай қўйди..
 Мени бундай уйқудан уйрот,
 Қўлларимдан тутгин, болалик.

«Хола-хола» билмайди ҳаёт,
Етимқирда ўйнаймиз чиллик¹.
Этагимга тўлган ўриклар,
Билмай йўлда тўкмадимми мен?
Ялпиз бўйи тутган ариқлар,
Эсингиздан чиқмадимми мен?
Оппоқ сутга чайилган тонглар,
Ой нурида терак қўшиғи...
Қуш инидан пастроқ қаранглар,
Мен бир қадам кетдим бор-йўғи.
Дунё кулиб баҳо сўрайди,
Хўрозқанди аччиқ эмасми?
Кеч тушганин замин билмайди,
Югурганим малол келмасми?
Кундуз уфққа туташган палла
Шамол мени элаб юрибди.
Ҳали ҳеч ким айтмаган алла
Юрагимдан қараб турибди.
Осмонимда юлдуз санайди,
Қирқ турна бор бир елкасида.
Қийиқ кўзли қизлар ўйнайди
Кўзларимнинг бир чеккасида.
Бугун сендан олислаб кетдим,
Қай манзилдан кўтариб чироқ.
Йўл қарайман, кўринмас ҳеч ким,
Болаликни кутаман узоқ...

¹ чиллик-чиллак (шевада)

* * *

Дунёдан ёмғирнинг дардини сўраб,
Кўнглимни кўнглимга қоряпман, она.
Кетгим келаяпти жимликка қараб,
Негадир ичкиб боряпман, она.

Бўйладим, булутлар, тоғларни қучдим,
Соғиндим, осмондан юлдуздай учдим.
Йўлларнинг ёдига кечикиб тушдим,
Ўзимга кечикиб боряпман, она.

Вақтнинг тавбасидан йироқман бугун,
Руҳимни бойлайди юз йиллик тугун.
Ой тушиб келади ёнимга бир кун,
Мен шунга кўз тикиб боряпман, она.

Отнинг айлангани олтиндан қозиқ,
“Қуёш муаллақдир” – ботиши қизиқ.
Недан башоратдир кафтдаги чизиқ?
Гўдакдек энтикиб боряпман, она.

Ўзимга аёндир менинг жимлигим.

Осмонни иккига бўлиб юбордим,
Изларимни тилиб-тилиб юбордим.
Сен фақат келишга улгургин, дўстим,
Менинг кўзларимдан ранглар кетмоқда.

Қўлларим қанотдир, қўлларим – чинор,
Тангрига етгувчи оғриқларим бор.
Юрагим – тарсиллаб ёрилар анор,
Ўн саккиз... оламга занглар кетмоқда.

Бозорда онамни йўқотиб қўйдим,
Бозорда отамни йўқотиб қўйдим.
Бошқача қара, деб кўзимни ўйдим –
Руҳ ва тан оралаб жанглар кетмоқда.

Кўнглимни босаман чақир йўлимга,
Тошларни тўлдирма галвир кўнглимга.
Нимадир ботмоқда елкаларимга,
Сомон йўлларига чанглар кетмоқда.

Умримнинг энида дардим беқасам,
Гуноҳинг кимга, эй бузилган қасам?
Бошимни кафтимга қўйиб йиғласам,
Томчида аҳволи танглар кетмоқда.

Сен фақат келишга улгургин, дўстим!

ЯШАШ САИЪАТИ

Кимлар менга нархлар қўяди
Баҳолари йитган бозорда.
Боғлар алвон кўйлак кияди,
Гуллаётган жоним озорда.

Яшайман дунёни аяб,
Айтолганим ишқ бўлди, холос.
Юрак тўзди кунларни суяб,
Руҳ, ўзингни, бор, қуёшга ос!

Тунларимга ўзим эртакчи,
Баҳор десам, ҳар лаҳзам баҳор.
Баҳор эмас баҳорнинг ичи,
Ишон, билсанг, яна надир бор.

Борлиғимни ёқиб юборди
Томоғимда турган қизил чўғ.
Осмон кутган умрим губорди,
Мен ҳали ҳам туғилганим йўқ.

Ёғаётган жаннат ёмғири,
Ким ётибди олтин бешикда?
Бу уйқунинг йўқми охири,
Ким бошлаган савдо эшикда?

Бир чўпонман, чиллали қишда
Қўй-эчкиси эгизак туққан.
Кунларим бор кўҳна дарвешдай
Қўшиқлари шамолдан юққан.

Қониқмадим, дунё, кўчингдан,
Қазо қилдим йўлни атайлаб.
Энди ямоқ этакларингдан
Азобимни оламан сайлаб.

Баҳор кўксим қалдирғочга ин,
Кафтларимдан оқ бойчечак тер.
Отам қуёш, онам ой бўлсин,
Армон, ўзинг доя бўлиб бер.

Юрак билар ёнмоқ таъмини,
Оёғимда тоғлар заҳмати.
Тополмадим бахтнинг жамини,
Камлик қилди яшаш санъати.

Бор бўлмаган оламини суйдим,
Менинг ишқим уфқдан наридай
Йўлда узун шеър бошлаб қўйдим
Турналарнинг қўшиқларидай.

СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ

Умида Муқимовага

Айлантириб борар йилларни
Ҳали бизлар билмаган тилсим.
Адаштириб қўйма дилларни,
Парталарга ёзилган исм.

Улғайдикми, наҳотки, энди
Ҳеч кечикиб келмаймиз дарсга.
Мактаб боғи – қий-чувлар тинди,
Овозимиз сизмайди арзга.

Сўроқ гапман ё ундов гапман,
Томиримда, кўнглимда титроқ.
Соғинчларга чўкиб кетяпман,
Чалинади сўнги қўнғироқ.

Танаффусги жарангни пойлаб,
Сен ҳам бу кун кўзларингда ёш.
Икки қизнинг сочини бойлаб,
Завқ туюшни билган синфдош.

Юрагимнинг райҳонларисиз,
Ойюз қизлар, фаришта қизлар.
Лабларимда турибди унсиз
Кўзингиздан томган юлдузлар.

Кўпаяди йиллар тугуни
Елкамизга ортиб қўйишга.
Фурдат топиш қийин бир куни
“Сиз яхшисиз, устоз!” – дейишга.

Йиғлаяпман, жоним бир қултум,
Дил осилди киприklarимга.
Устоз, олинг, сизга гул тутдим,
Бу оламда ўхшайсиз кимга?

Шундай катта кенгликни ташлаб,
Айтинг, дўстлар, қайга борамиз?
Оёғимиз, қўлимиз ушлаб,
Кетма, дейди синфхонамиз.

...Кечикамиз шошиб келгани
Бошимиздан ёмғирлар оқмай.
Бўй беради “одоб” дегани,
Киролмаймиз эшикни қоқмай.

Бурчакларда юзин яшириб,
Хайрлашар болалигимиз.
Чорлолмаймиз ширинлик бериб,
Олисларга термулиб, жиммиз.

Оғрийверар бир тола сочим
Ўрикларнинг шохида қолган.
Асраблар қўй, мактабдаги чим,
Кўзмунчоғим сенда йўқолган.

Ёмғирларда соғинчнинг иси
Айлантирар қуёш, ойларни.
Ўйнатиб юр, мактаб ҳовлиси,
Биз қолдирган болакайларни!

Сўроқ гапман... йўқ, ундов гапман!
Томиримда, кўнглимда титроқ.
Соғинчларга чўкиб кетяпман,
Чалинади сўнги қўнғироқ.

АЛМАШАДИ...

Алмашади кунларнинг номи,
 Ўтирибман гулхан ёқолмай.
 Тортиб борар денгизнинг коми,
 Йиғлайверар кўнгил оқолмай.

Кўклам, хатлар юбор насимдан,
 Қафасимга юрак сиймайди.
 Исмин айтиб улгурмасимдан,
 Бир кечада бодом гуллайди.

Кун санайман чилла баҳона,
 Менга басмас кўк кўланкалар.
 Пешонаси ҳўл бўлган она
 Боласига соя ахтарар.

Кузги хаёл, нимадир ширин,
 Олиб қочар қизғиш боғларга.
 Ҳали кузак кетмасдан бурун
 Қор ёғади баланд тоғларга.

Менинг эса ҳеч кимлигим рост
 Сенга борар йўллар олдида.
 Бир тўрвангни бер, елкамга ос,
 Юксиз юриб оёқ толди-да.

Сўзнинг номи дарддан қадимми,
 Неча бор туғилган бу олам?
 Шеърим, бошинг силолмадимми,
 Сағир қилиб қўйдимми, болам?

Билиб-билмай ичга қамадим
Излар, ҳислар – бир куни барин.
Қовурғамни галвир қилади
Ичимдаги мингта болари.

Бир капалак ўйимни бўяр,
Ўкиради жоним шерлари.
Шамларини ўчириб қўяр
Юрагимнинг овлоқ ерлари.

Ҳалакман мен гулхан ёқолмай,
Алмашади кунларнинг номи.
Йиғлайверар кўнгил оқолмай,
Тортиб борар денгизнинг коми...

* * *

Менинг шошганим чин ўзга ёқларга,
Кафтимда ҳар лаҳзам – исён, талотўп.
Ичим тўлиб кетди кўк бўёқларга,
Аммо битмаётган юмушларим кўп.

Уфққа зувиллар умр чиллаги,
Тўлғонган шомларни келади ичгим.
Сиз кўрган оловдан кузнинг кўйлаги,
Менинг ёнганимни билмайди ҳеч ким.

ЧИЗГИЛАР

Эртак тинглаб болалигим,
Сандаллардан чўғ ковлайди.
Бобом кетган узун йўлда
Момом соғинч ўровлайди..
Фасл билмас овчи отам
Дала-даштда қуш овлайди.
Ўзи озғин, ишгир энам
Кунларини буровлайди.
Туйғулари асов акам
Тентаксойда от сувлайди.
Етимқирда чўпон укам
Қўй-эчкиси сурувлайди.
Ой нурида дилбар синглим
Эгиз ўғил аллалайди.
Чўнг тоғларда телба умрим
Бир қуюнни қаровлайди.
Таниш қўллар эшик қоқиб,
Ёт одамни сўровлайди.
Таёғи йўқ тиланчини
Чанг кўчада ит талайди.
Юрак тўлган кечаларда
Кўкка тўлиб дил увлайди.
Яшолмайман – тонгим, шомим
Ёндиргувчи шеър тилайди.
Шеър айтаман..
Шеър айтаман, рассом умрим
Пешонамда ер ковлайди.



Шамол тебратади августни,
Кўйлагини ечар саратон.
Раиғпар бўлиб қолди ер усти,
Этагини тўлдир, куз, уйғон.

Тўлғоқ тутган шомни оралаб
Шошилади қушлар инига.
Кимдир шунда шамсни авайлаб
Солиб қўяр кўк хуржунига.

Минг йилларки дунё пойлоқчи,
Қувиб борар юлдуз юлдузни.
Қачонлардир етти қароқчи
Ўғирлаган пари бир қизни.

Этак тутар янги бугунлар,
...”Алиф”, “бе” дан бошлар илмни.
Уйғонмаган ҳали бу тунлар,
Танимайди менинг кўнглимни.

На баҳору, кузга киради,
Ҳатлаб кўрдим – умр бир қадам.
Юрагимни тошлаб юради,
Кунларига сифмаган одам.

Августдаги тонгни ёқалаб,
Йўлга чиқдим пою-пиёда.
Бораяпман кузни орқалаб
Қаршимдаги сўнгсиз дунёга.

Оқ кабутар, оқ кабутар, оппоқ кабутар,
Кўзларингда мен қўмсаган дийдор олиб кел,
Айтган ҳар “оҳ”имда бир фасл ўтар,
Бир қизнинг кафтига баҳор солиб кел.

Симёғоч мудраган кўчалар бўйлаб
Қор тушди, турибман қордай эланиб,
Ой жим думалаган кечалар бўйлаб
Кимдир қолиб кетган нурга беланиб.

Дунёнинг энг баланд чорбоғларида
Ортингдан йўл қараб ичикканман мен,
Куздек тўлолмайман куз боғларида,
Дил кутган дийдорга кечикканман мен.

Оқарган тонгларга изим сизмади,
Кўзларинг бор эди осмон чўмилган.
Соянга етолмай соям йиғлайди,
Ўртада тупроқ бор исминг кўмилган.

–Оқ кабутар, оқ кабутар, оппоқ кабутар,
Кўзларингда мен қўмсаган дийдор олиб кел.

* * *

Она, тундай толиб боряпман,
Қароғимга нур тутиб беринг.
Сояларда совиб боряпман,
Юрагимни иситиб беринг.

Ичим тўла кўз ёшга ўхшар,
Саёзлашиб қолдим йиғидан.
Кўксим энди бир тошга ўхшар,
Гапирайми тошлар тилидан.

Иситмаси хаста йилларнинг...
Суюгимни қорайтиб олдим.
Тухфаси шу бўлди йўлларнинг -
Йиғлаётган шеър топиб олдим.

Нетай ишқни маконларимдан
Дайди итдек ҳайдаёлмайман...
Хижолатман армонларимдан,
Мен ўзимни алдаёлмайман.

Осмоннинг оқ қорлари каби
Сочилмоқда жоним тупроққа.
Бузилмайди кўнглимнинг таъби,
Тик бораман, борсам сиртмоққа.

Она, мендан ранжиманг, ахир,
Мен шунчаки йиғлаёлмасман.
Қуйиб кетар изларим, бир-бир,
Бу йўлларга сиға олмасман.

Биламанки, жимлик – бу ғафлат,
Азоб олар ҳовурларимни.
Менга бахтнинг ярми ҳам давлат,
Шеър қиламан ўша яримни.

Баҳор ҳар гал бир хил қайтмайди,
Булут ҳар гал тўкмайди ёмғир.
Турна бир хил қўшиқ айтмайди,
Йилдан йилга юраги офир.

Руҳим шамсга сабрим иляпти,
Ҳаёт, калта “жон” деган доринг.
Қуёшда кул бўлгим келяпти,
Она, мени қўйиб юборинг!

Кўзадаги жин бўлолмайман.

БИТТА СЎЗ

Чалинган куй – у нимадир,
Мен тушмайман ториға.
Фаришталар.. у бошқадир,
Кўниккувчи бориға.

Кўзим кулиб: “Нима боқий?
Ҳаёт, айт”, деб ялинди.
Ёмғирга шеър ўқий-ўқий,
Юрак бодга чалинди.

Ўтирмайман, қошу кўз деб,
Шарт қайрилмай кетаман.
Айтилмаган битта сўз деб,
Мен ўзимга етаман.

Капалакнинг қонидан
Кўйлак кийиб оламан.
Дунёнинг тўрт ёнидан
Юрак ўйиб оламан..

ЙЎЛ

Қор кечиб бораман, совуқ шамоллар
Нафасимга соя ясаб беради.
Нега йўл четида қунишган толлар
Қишга кўйлагини ечиб киради.

Нима матлабларни жойлаган дилга
Тилсиз ўлжасини қувлаган овчи.
Кўзлари жовдираб қайси манзилга,
Қисматин елкалаб борар йўловчи.

Қор кечиб бораман, дунёси оппоқ,
Қарайман шошилиб ўтган изларга.
Одамзод боши ва охири – тупроқ,
Осмон тўлиб борар ғуж юлдузларга.

Кунларнинг бўйига кашта соламан,
Аёзда совуққа қотар кипригим.
Қорларда кўринмай йўлсиз қоламан,
Тинмайди кенгликлар қилаётган ИМ.

Ҳарсанглар ўтирган дарё бўйида
Баҳорни соғиниб йиғлар чўри қиз.
Қушлар чуғурлайди иссиқ уйида,
“Алдамчи дунёни дарёга оқиз”.

Бошимга бошини урар қахратон,
Бепарво бораман, юзимда кибор.
Кўксимда ошиқиб, типирчилар жон,
Унга айтолмайман йўлда ўлим бор.

* * *

Тик туриб бўйнимга олганман барин,
Заминга неча бор оқ шом тўкилар.
Оралаб бораман улкан тошларни,
Йиғлаган фасллар, кулган фасллар.

Кўзларимда умрим ёнар кўринмай,
Кўнглимни ҳам белаб қўйдим бешикка.
“Мағриб-Машриқ” деган яллага кўнмай,
“Кетдик” дейди ҳаммасидан эшикка.

Қай тоғларга бориб шамол қайтади,
Куйлар уйғотолмас абад беишқни.
Жовдираган осмон кимга айтади
Мен тупроққа ёзиб қўйган қўшиқни.

*“Кўзмунчоғим, кўзларинг кўзмунчоққа ўхшайди,
Қўлингдаги тақдиринг ўйинчоққа ўхшайди.
Шундай экан, назар сол ортда қолган изингга,
Ҳаётнинг ўзи асли зўр жумбоққа ўхшайди”*

Дўстимнинг кундалигидан...

Кўзмунчоғим, кўзларинг кўзмунчоққа ўхшайди,
Қўлингдаги тақдиринг ўйинчоққа ўхшайди.
Шундай экан, назар сол ортда қолган изингга,
Ҳаётнинг ўзи асли зўр жумбоққа ўхшайди.

Баъзан орзу “нима” дир, баъзан армон бўлгай “Ким”,
Баъзан сукут исендир, баъзан ҳайқириқлар жим.
Шамоллари тупроққа тўлган дунёда кўнглим
Ёмғирларни соғинган кузги боққа ўхшайди.

Мен кечадан қўрқмайман, сен ёруғ кундузни ол,
Осмоним эҳсон бўлсин, ойни ол, юлдузни ол.
Бугунингнинг исмини бугунларда айтиб қол,
Жисм аввал ундовдай, сўнг сўроққа ўхшайди.

Юрагимни ўйнаса олтин соатнинг мили,
Юзларингга ранг сочар баҳор, қишнинг ҳазили.
Оёғи куяётган одамзоднинг манзили
Бориб-бориб бир ҳовуч бўз тупроққа ўхшайди.

Кўзмунчоғим кўзларинг...

* * *

Тўртта эшик берган дунё шамолга,
 Мангу ҳаланчак² у ҳаловат учун.
 Мангу сўроқлар бор мангу саволга,
 Мени қаёқларга ҳайдади бугун.

Эртакчи тагин ҳам этолмади ман,
 Қоработир яна ўйинни бузди.
 Шамол бораётган йўлдай бесўзман,
 Қоним юрагимга нималар чизди?

Гарчи танимайди қуёш ҳеч кимни,
 Пешонам ёрилса, кўзимда чорам.
 Ахир, озордаман, ая кўнглимни,
 Кафтларимга ботиб йиғлаган ярам.

Бир четида куз бор эди баҳорнинг,
 Бир четида қор бор эди саратон.
 Пойида турибман энг катта дорнинг —
 Ўзимни ўзимдан қутқар, эй Осмон!

² Ҳаланчак — ҳалак (шевада)

ҚИШ

“Уфққача чўзилган дунё бор-йўғи”,
Бўлмасди йўлларнинг рангини англаб,
Тонггача ўчмасди сандалнинг чўғи,
Ухлардик “Кўк сигир” эртагин тинглаб.

Соғинчни эслатар уфқнинг лаби,
Бугун ҳам кўнглида эртаги борлар.
Момоннинг ўша оқ рўмоли каби
Заминнинг бошини ўрайди қорлар.

Бир марта топмадим йўлини пойлаб,
Қай тоғдан чорлардинг Қорқизни, момо?
Эртамга энг гўзал тонгларни жойлаб,
Кўринмай кетади ҳар гал Қорбобо.

Тўрт томоним сўнгсиз, йўлларим – бозор,
Қадамларим катта, бошқача юмуш.
Чап кўксимда унган соғинчларим бор,
Туйғулар элайди юрагимга қиш.

* * *

Эй, дунёнинг сарсон йўллари,
Мен ҳам бу кун йиғлашга келдим.
Қишлар совуқ яшаган сари
Ҳаволарнинг залворин билдим.

Оҳларини ойдан яширмай,
Оқшомлари куяди саҳро.
Бу жонларнинг туриши тошдай,
Кўп ичикдим шу тошлар аро.

Шу йўллардан бўзлаб ўтайин,
Майли, менинг оҳимга тўйма.
Мен: “азоб бер”, – дедим атайин,
Адашиб ҳам бахт бериб қўйма.

Эгним юпун, замин буйлаб тентирайман –
Ўн айлансам, юз айлансам дунё ўша.
Турна қўнган пешонамга қўл тирайман,
Баҳоримни қайтаради йўл ҳамиша.

Осмондаги тоқатимни синаб нетгай
Юрагимда оқаётган олов билан.
Соғинчларим томиримда жон эритгай,
Ич-ичимда олишаман биров билан.

Наҳот, дунё кафтларимни сезмай ўтгай,
Юзи иссиқ одамларнинг қўлқопи бор.
Танграм, сочим оқармасдан унга етай,
Баҳоримни энди бошқа йўлдан юбор!



Синелим Мадинага

Сен тебраниб шеър айтасан кўзларингни юмиб-юмиб,
Вужудимга титроқ кирар ёмғирлардек жимиб-жимиб.
Ёттим келар юрагимни хазонларга кўмиб-кўмиб
Кўз деганда ўнга мағриб, ўнга машриқ тарафим бор.

Кўп кутилган гулбаҳор бор кумуш кўйлак тоғ ортида,
Минг кулгунинг саждаси бор ҳар тўлишган доғ ортида,
Бир соғинчни аллаласа мусичалар қанотида,
Намозшомда оқ ва қора туфроқларга тавофим бор.

Манзилига етгунича карвон қанча йўл юради,
Сен айтмасанг, бу дунёнинг тушларига ким киради,
Бир оғриқни шеър этолмай тун кўнглимни симиради,
Шу йўлларга, шу тунларга, шу тушларга шарафим бор.

Сен тебраниб шеър айтасан кўзларингни юмиб-юмиб...

Эгнидан тонг-шомни навбат ҳайдайди
Тупроғи чангиган қишлоқ кўчаси.
Эринмай кун бўйи оёқ санайди
Ҳовлига қараган итнинг уйчаси.

Қуюқлашиб олар сут тўла кади,
Унга тикиламан бегонасираб.
Оёқларим илкис йўл олишади,
Йўлбарснинг қонидай терс, исёнсираб.

Қуёш ва Ер билан келишган пайти
Гоҳ ўсиб, калтариб олади соя.
Ёввойи бўйлардан кўрпа тўшайди
Гуллари пуштиранг, кенг бедапоя.

Саратон чайқалган оташ тагини
Оёқяланг бўлиб кечган одамлар.
Кечага беради тер кўйлагини
Кунини бир хўплаб ичган одамлар.

Мен ҳам йўқлаб келган кунга борича
Ёввойи куйларим билан кираман.
Доғлари тўлишган ойга ҳар кеча
Ҳинду қўшиғини айтиб бераман.



Йул олган данглардан уйига қараб
Тентак уйини бор вужуди ёлнинг.
Отишга эринган тонгни оралаб
Қуллари толади сутчи аёлнинг.

Ҳар куни адашмай ўзгарар сана,
Хавон кузни севар, гарчи қиш – қорни.
Куйлагимга қамаб олганман, мана,
Пушти ранг гулларга тўлган баҳорни.

Қуёш оқаётган сувга қарайман,
Шомда уфқ айланар қизил қирғоққа.
Мен бунда тўзиган куйга ўхшайман,
Ундаги ой эса улкан сўроққа.

Кечалар кўзимга қармоқ ташлайди,
Кўксимда тебранар мусича инлар.
Куй бўлиб домига торта бошлайди
Осмонга уланиб кетган қуюнлар.

Қуёшга етолмай умри ҳалакман,
Тирикман, кунимни кундай юк босар.
Шу исмим туғилган кундан бўлакман –
Мени менга ташлаб кетинг, лайлаклар!

Улғайиш билмадим неча замондан,
Бир аёл термилар яноқлари ҳўл.
Унга кўринади тўртта томондан
Менинг умрим бўзлаб бораётган йўл.

Сендек толаяпман, сутчи аёл, во
Энг катта хасратим сизмади шеърга.
Энди вужудимни суямас ҳаво,
Тупроқдек тўкилиб қоламан ерга...

ГУНГ ҚЎШИГИ

Ўн беш кун тўлган ойнинг дардларини тилайман,
Оқ қанот турналарни юрагимга белаёман.
Чўғ босган раққосига қисмат тутган коинот,
Чилдирмангни чалавер, мен бошқача ўйнайман.

Уфққа оққан куйлар остонамда бўй етган,
Жавдирайди юрагим, ҳар тун азоб, тўй этган.
Йўл теролмай кўнглимнинг сарҳадига ўт кетган,
Чилдирмангни чалавер, мен бошқача ўйнайман.

Шамолдай чошиб кўрдим, бир нуқтада қотиб ҳам,
Тошлардан қутулмайсан, минг осмонга отиб ҳам.
Кўзларим кулиб тургай, оловларга ботиб ҳам,
Чилдирмангни чалавер, мен бошқача ўйнайман.

Йил думалаб, йилларнинг борар шоми қорайиб,
Ёрилган пешонамни шабнамларга қўй чайиб.
Бобоси гунг атторнинг савдосида не айб,
Чилдирмангни чалавер, мен бошқача ўйнайман.

Ёмғир соғинч исими, шоир ғамга эрками,
Дунё оғиб кетарди бўлмаганда бир ками.
Ҳайқираман чўғ босиб: “Азоб – руҳнинг байрами!”
Чилдирмангни чалавер, мен бошқача ўйнайман!



Қуёшни чорлайди тонглар оқара,
Тоғларнинг бошига булутлар қўнар.
Худойим бахтимга қўйган чегара –
Энг яқин манзилдек кўнглинг кўринар.

Сукутга тўлмасин бу биллур сарой,
Аждарҳо тишини экдим атайин.
Энг катта офриққа қўшилиб олай,
Ҳузурингга етгач, ёнишим тайин.

Дийдорнинг изига йўллар бегона,
Замин айланади вақтнинг измида.
Кечаги ташвишлар туғилар яна
Фурсатин соғинган бугун юзида.

Кўнглини сўрашга қўли етмаган,
Иккита йўлчимиз – йўли бир қадам.
Кўлга тушган тошдек жимиб кетмагин,
Дунёга икки бор келмайди одам.

Эрка орзуларга етмасин озор,
Қизгалдоқ баргидек учади ёдим.
Йўл бошладим – ердан қуёшгача бор,
Сенинг кўнглинггача бўлган бир одим.

Мен ўзим томонга қараёлмайман,
Юрак бетламайди сен ёқларга ҳам.
Туя бўйнидаги қўнғироқдайман,
Йўлларга тўкилиб кетяпман кам-кам.

Қушлар осмонидан такрор ўтолди,
Сочларим райҳонга айланолмади.
Бир улкан исмлар кафтимда толди,
Замин изларимни ёдлаёлмади.

Оғриқлар – мўъжиза, сукут – катта сир,
Ҳар заррам юракка айланиб турдим.
Фасллар рангларда такрор келгандир,
Мен эса бир тушни бир марта кўрдим.

Ёмғир, шамолларда ўйнайвераман,
Туя саҳроларга манзил солади.
Муаллақ лаҳзаман, номсиз эраман,
Қуёш томоғимда қотиб қолади.

* * *

Кун бўйнимга тонгни илади,
Тўрт фаслдан ортиқча рангман.
Олов ичмоқ камлик қилади,
Йўлга чўғ сеп, оёқялангман.

* * *

Дунё бедор эмас, биз бедор тунда,
Ўзи билган йўлдан кетади ой ҳам.
Сенинг изларинг бор кафтим ичида,
Менга қўлимдадек кўринар олам!

* * *

Баҳор оғриқлари, суягимга қайт,
Минг бор кузга кирай, ҳаловат топмай.
Дунё қишларини чамалаган пайт
Куйлайман кўнглимнинг эшигин ёпмай.

* * *

Тарқасин вужудим кўзидаги хоб,
“Бахт кўкдами, дейман, тўлқинлар элтган?”
Осмон ёмғирларда қайтарар жавоб:
“Бахтми? Ҳў, даштларга қўй ҳайдаб кетган”...

* * *

Муродимга етказма, осмон,
Шу йўсинда отинг, эй тонглар.
Менинг қиблам фақат бир томон,
Менга баҳор – куздаги ранглар.

*Умр бўйи Худодан сўраб ўтаман, менга
Сиз билан дийдорни насиб этсин, устозим!*

Бўй чўзади тоғда ўсган дўлана,
Ёмғирларга кўмилади дил яна,
Ер гуллади баҳор билан тўлғона,
Турналарнинг қўшиқлари бошқача.

Азим ишқнинг дунёсида тириклар,
Савдо айтинг, елкамдаги не юклар.
Шамол билган аллаларга кўнмайди
Юрагимда гуллаётган ўриклар.

Шу эдими дард тилашнинг даъвоси,
Ойдан келди соғинчларнинг овози.
Жимлик бордай туманларга сиғмаган,
Бунча офир бу кўкламнинг ҳавоси.

Юрагида ойлари бор ўғлингиз,
Юрагида ойлари бор қизингиз.
Суягимга етиб кетди куйишлар,
Бунчалар ҳам олис бўлди йўлингиз.

Художонга дунёсидан арзим бор,
Кўҳна сопол синиғидай дарзим бор.
Шеър деганда, суннатим бор, фарзим бор,
Тўлолмадим, дийдорларга қарзим бор.

Куйгандара кулларидай изим бор,
Юким офир, опа, десам, кимим бор.
Ишқдай сўнгсиз осмонларни қучоқлаб,
Бир тепада ухляпти чин баҳор.

Фариштанинг кулгусидай суҳбатлар,
Юрагимда қолиб кетди кўп хатлар.
Ҳар лаҳзада кўнглим этар ибодат,
Юзингиздан файзга тўлсин жаннатлар.

Парвардигор осмонидай кенг, жимсиз,
Сарҳадига сифмай қўйган нужумсиз.
Йўллар бўйи йиғлатгувчи соғинчим,
Кўнглимдасиз, кўксимдасиз – шеъримсиз!

МУНДАРИЖА

“Тўрт томон”га мактуб	3
Ватан сийрати	6
Мен соғинч ҳақида... ..	8
Шу эски чархпалак... ..	9
Тўлқинлаб ўйнайди... ..	10
Эътиқод	11
Шоир	13
Дарахтлар... ..	14
Оқ тушлар.....	15
Қайтариб бўлмайди... ..	16
Таниш азоб	17
Мусаввирнинг... ..	18
Алпомишнинг болалари ўсган юрт.....	19
Йўлларда... ..	20
Кўрпасиман... ..	21
Тун.....	22
Йигирма ва ўттизимнинг орасида	23
Барибир... ..	25
Эй, кўнглимнинг... ..	26
Энг узун шеър	28
Тўрт томон.....	31
Бободехқоним.....	32
Сенинг йўлларингга... ..	33
Бунча шошиб... ..	34
Нега кийган рангини... ..	35
Ҳасрат	36
Йўллар... ..	38
Етимча... ..	39
Узрини... ..	40
Учқунлаб... ..	41
Чўчимайман... ..	42
Қишлоғим.....	43

Дунёдан	45
Осмонни	46
Янаш санъати	47
Сўнги қўшироқ	49
Алмашади	51
Менинг	52
Чнагилар	54
Шамол	55
Оқ кабутар	56
Она	57
Она, тундай толиб боранман,	57
Битта сўз	59
Йўл	60
Тик туриб	61
Кўзмунчоғим	62
Тўртта	63
Қиш	64
Эй, дунёнинг	65
Эгним юпун	66
Сен тебраниб	67
Эгнидан	68
Йўл олган	69
Гунг қўшиғи	70
Қуёшни	71
Мен ўзим	72
Кун бўйнимга	73
Дунё бедор	73
Баҳор оғриқлари	73
Тарқасин	74
Муродимга	74
Бўй чўзади тоғда	75



... Жисмдан соялар тушмаган ерман,
Тўрт томон ҳам бир хил, айтилган йўлдир.
Фақат сукунатдан туғилган шеърман,
Руҳим, вужудимга ўзимни тўлдир.

Баҳор, остонанга "кузсан" деб ёздим,
Тақдир бу – сўнгига етмаган фармон.
Гарчи бор жанглардан ақлдан оздим,
Ўзимга айлансин тўрт томон.

ISBN 978-9943-4588-8-8



9 789943 458888